*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 106 (9352). • 1988 йил 1 июнь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

# АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

30 май куни Катта Кремль саройида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ва Р. М. Горбачева номидан АҚШ Президенти Р. Рейган билан Н. Рейган хоним шарафига зиёфат берилди.

Президент билан бирга зиёфатга АҚШ давлат секретари Ж. Шульц, сафарда Президентга ҳамроҳлик қилаётган бошқа расмий кишилар, АҚШ савдо-саноат доираларининг вакиллари ва Америка элчихонасининг катта дипломатия ходимлари таклиф қилиндилар.

Совет томонидан М. С. Горбачев рафиқаси билан, А. А. Громико рафиқаси билан, Н. И. Рижков рафиқаси билан, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, И. В. Капитонов, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, таниқли фан, маданият ва санъат арбоблари, руҳонийлар бор эдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфатда М. С. Горбачев билан Р. Рейган нутқ сўзладилар. Нутқлар эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Шу куни Р. Рейган авлиё Данилов ибодатхонасида бўлди.

(ТАСС).



30 май. Москва. Совет-Америка музокаралари пайтида.

Ю. Лизунов ва А. Чумичев фотоси.

# ВИЗИТНИНГ ИККИНЧИ КУНИ

СССР ва АҚШ раҳбарларининг якшанба куни бўлиб ўтган биринчи учрашуви Совет — Америка мулоқотининг бош масалалари хусусида томонларнинг позицияларини яхшироқ белгилаб олишга кўмаклашди. АҚШ Президентининг матбуот билан алоқалар бўйича ёрдамчиси М. Фицуотер 30 май куни матбуот марказидаги учрашувда шуларни айтди. Бугунги суҳбат, деди у, бир ярим соатдан кўпроқ давом этди ва унга яхши муҳит хос бўлди. Оқ уй вакили қуролсизланишга доир кўпдан-кўп масалаларни ва тегишли битимлар тузиш истиқболларини муҳокама қилиш давом эттирилганлигини уқтирди. Айни бир вақтда ишчи группалар қизғин ишни давом эттирмоқдалар ва сешанба куни тушдан кейин бу ҳақда ташқи ишлар министрларига маълумот берадилар. СМТ тўғрисидаги масала ҳам тилга олинди. АҚШ Президенти шу программанинг мақсадлари ҳақида совет томонига ахборот берди. Ракеталарни учириш тўғрисида барвақт хабардор қилиш ҳақидаги масала муҳокама этилди, бунда аста-секин тушунишга эришилаётганлиги қайд этиб ўтилди. М. Фицуотер таъкидлаганидек, АҚШ давлат секретари Ж. Шульц ядро синовлари устидан контроллик тўғрисидаги масалада муайян силжишга эришилганлигидан ҳам мамнуният изҳор қилди. Шу муносабат билан у ҳар иккала томон Женева музокараларида икки мамлакат делегацияларининг ишини кучайтиришга интилаётганлигини ҳам уқтирди. АҚШ Президенти ана шу музокаралардаги силжишдан мамнун.

М. Фицуотернинг сўзларига кўра, суҳбатда шу нарса таъкидландики, одамлар ўртасидаги борди-келди ва мулоқотлар — СССР билан АҚШ халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашнинг энг яхши воситасидир. Бу жараёнга ёшларни кенгроқ жалб этиш лозим. Бу эса уруш хавфини тугатишда ёрдам беради. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Горбачев шу фикрнинг руҳига қўшилишини билдирди, АҚШ Президенти эса Москва университетида ёшларга мурожаат қилганимда шу тезисни ривожлантираман, деб таъкидлади.

Икки бошлиқнинг иккинчи учрашуви амалий вазиятда ўтди, деб ҳамкасбим айтган гапга қўшиламан, деди СССР Ташқи ишлар министрлиги ахборот бошқармасининг бошлиғи Г. Герасимов. Музокаралар столи атрофида шундай сиёсий арбоблар йиғилишганки, деб таъкидлади у, уларнинг мамлакатлари халқаро майдонда катта салмоққа эгадир, айни шу боисдан тинчликни сақлаб қолиш, унинг тақдири учун алоҳида масъулият уларнинг зиммасига тушади. Бундай учрашувлар ва бизни ажратиб турган муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаб топишга иккала томоннинг тайёрлиги бу қадар муҳимлигининг боиси ҳам мана шундадир. Бугун қуролсизланиш проблемалари диққат марказида бўлди.

СССР Ташқи ишлар министрлигининг вакили икки мамлакат раҳбарлари ҳар иккала мамлакатнинг стратегик ҳужум қуролларини тенг ярмига қисқартириш тўғрисидаги шартномани тайёрлаш чоғида бартараф этилиши зарур бўлган тўсиқларни кўриб чиққанликларини маълум қилди. Бизнинг томонимиз мазкур шартномани ҳозирги маъмурият билан ишлаб чиқиб, имзолашга тайёр эканлигини билдирди, бу маъмурият ҳам бизнингча, шундай тайёрлигимизни ижобий кутиб олди.

Шу муносабат билан бугун контроль муаммосига кўп эътибор берилди. Дарвоқе, гўё СССР контролга қарши деган тасаввур аллақачон эскирган. Биз кенг қамровли контроль, жумладан ҳаракатчан ракеталар устидан контроллик тарафдоримиз. Шуни ҳам қайд этиш керакки, бу соҳада иккала томоннинг нуқтаи назарлари бир-бирига яқинлашди.

Химиявий қурол ишлаб чиқаришни тақиқлаш устидан контроллик муаммоси: бундай тақиқлашни хусусий корхоналарга ва халқаро корпорацияларга жорий этиш керакми ёки йўқми, деган муаммо муҳокама этилди. Америка томони уни жорий этиш зарурлигига қўшилганга ўхшайди, Г. Герасимовнинг сўзларига кўра, қитъалараро баллистик ракеталарни миллий территориялар ташқарисигина эмас, шу билан бирга территориялар ичкарисига ҳам учириш тўғрисида хабардор қилиш ҳақидаги битимни тузиш учун яхши имкониятлар бор. Совет томони осмонга жойлаштириладиган қанотли ракеталарни учириш тўғрисида, денгизда жойлаштириладиган қанотли ракеталарни учириш ҳақида худди шундай хабардор қилиш тўғрисидаги, бомбардимончи самолётлар жуда кўплаб осмонга кўтарилган ҳолларда хабардор қилиш ҳақидаги музокараларни бошлашни ҳам таклиф этди. Стратегик кучларнинг машқлари тўғрисида хабардор қилиш ҳақидаги, шунингдек ер бағирлаб учадиган стратегик ракеталарни тақиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам ўрганиб чиқиш мумкин. Америка томони бизнинг шу янги таклифларимизни кўриб чиқишга розига ўхшайди.

Денгизда жойлаштириладиган қанотли ракеталар муаммоси мушкул бўлди. Агар у четда қолдириладиган бўлса, биз стратегик ҳужум қуролларини 50 процент камайтириш тўғрисида тузмоқчи бўлаётган шартномани четлаб ўтиш учун эшик очилади. Ўшанда бу ишнинг ҳаммаси пучга чиқади. Бунда ечимларни излаб топиш керак, бизнингча хоҳиш бўлган чоғда уни топиш мумкин.

Европада оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартириш муаммоси ҳам муҳокама қилинди. Совет томони бу йўлда қуйидаги босқичларни таклиф қилади: жойларнинг ўзида инспекциялар ўтказиш йўли билан илк маълумотларни текшириш, қанча қисқартириш кераклигини аниқлаш; навбатдаги босқичда иккала томоннинг кучларини 500 минг киши камайтириш. Учинчи босқичда эса Европадаги қуролли кучларга соф мудофаа тусини бериш.

Шундай қилиб, олий даражадаги учрашувнинг иккинчи куни ишчанлик билан ўтди ва турли конкрет соҳаларда муайян силжишга эришилди, деб айтиш мумкин, деди СССР Ташқи ишлар министрлигининг вакили. Пировардида, Г. Герасимов билан М. Фицуотер журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

(ТАСС).

*XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА*

*• ПИЛЛА—ДАВЛАТГА*

## ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

**ЧИНОЗ районн пиллакорлари областда биринчи бўлиб йиллик пилла тайёрлаш планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шу кунгача қабул пунктларига 125 тоннадан ортиқ қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. Район бўйича ҳар қути қурт уруғидан ўртача 51 килограммдан пилла етиштирилди. Мусобақанинг олдинги сафида Охунбобоев номли, К. Маркс номли, «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари бормоқдалар.**

**Чинозлик пиллакорлар айни кунларда «кумуш тола» топширишни давом эттирмоқдалар. Уларнинг аҳди камида яна 10 тонна хом ашё топширишдан иборатдир.**

**Район пиллакорлари ўртасидаги шахсий меҳнат баҳсида «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг моҳир пиллакори Дилбар Ахметованинг олдига тушадигани топилмади. Тажрибали пиллакор аёл бу йил энг юқори ҳосил етиштирди. Умуман колхозда бу йил 217 колхозчи хонадони қурт парваришлади. Улар XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига жами 10 тоннадан ошириб пилла топшириш учун ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Бу белгиланганидан 1200 килограмм кўпдир. Колхоз пиллакорлари кунига йиллик планнинг 20—30 проценти миқдорида пилла етказиб бермоқдалар.**

**(Ўз мухбиримиздан).**



**● МАНА 50 йилдирки Ҳошия Рўзиева қурт парваришлайди, ҳар йили давлатга 100—150 килограммдан қимматбаҳо хом ашё етказиб беради. 81 ёшли бувининг бу йилги хирмони ҳам баракали бўлди. У бошлиқ хонадон 110 килограмм пилла етиштириб, белгиланган топшириқни ортиғи билан адо этди. Суратларда: (ўнгдан) Ҳошия буви Рўзиева; унинг келини Фарида, набиралари — Хадича Холисова ва Хуриниса Қорабоевалар пилла теришмоқда; буви уйган «кумуш тола»лар.**

А. Зуфаров фотолари.





# САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА—ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

*Халқ депутатлари Тошкент область Совети сессиясидан*

Илгари хабар берилганидек, йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг бешинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия бошланиши олдидан Совет партия группасининг мажлиси бўлди. Мажлисни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов олиб борди.

Партия группаси сессияни ўтказиш ва кун тартибини маъқуллади ҳамда коммунист депутатлар — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг сим чўзувчиси С. П. Баженова, область халқ контроли комитетининг раиси А. И. Севастьяновнинг улар томонидан депутатлик вазифаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглади.

Партия группаси мажлисида депутатлардан Чирчиқ участка врач-педиатри Ж. К. Свечкарева, Бўка район ремонт ишлаб чиқариш корхонаси слесари П. Абдулазизовлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорда депутат А. И. Севастьяновнинг ишидаги камчиликлар кўрсатилди ва унга бу камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш таклиф қилинди.

Халқ депутатлари область Совети партия группасининг навбатдаги мажлисгача бўлган иш плани тасдиқланди.

Сессияни халқ депутатлари Тошкент область Советининг раиси А. П. Алимов очди.

Депутатлар картошка ва мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, бундай маҳсулотлар билан Тошкент, областдаги шаҳарлар ва саноат марказлари аҳолисини таъминлашни яхшилаш бўйича область совет, хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида илгари эълон қилинган доклад тезисларини муҳокама қилдилар.

Сессия иши давомида сессия президиумига область Совети депутатлари Ж. К. Свечкарева ва П. А. Ҳамдамовлардан депутатлик сўрови тушди. Бу сўровларга область ижроия комитети савдо бошқармаси бошлиғи А. М. Холибоев ва Тошкент область сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи М. К. Турсунов жавоб бердилар.

* * *

Сессия кун тартибидаги биринчи масала қизғин муҳокама қилинди.

— Бизни сабзавот ва мевалар билан таъминлашнинг иқтисодий механизми оқсамоқда,— деди Олмалиқдаги Қалмоққир кони экскаватор машинисти В. Ғ. Ғаффоров.— Колхозларнинг мустақиллиги анча кучайган, уларга етиштирилган маҳсулотнинг бир қисмини тўғридан-тўғри реализация қилиш ҳуқуқи бериб қўйилганига қарамай бу соҳада сезиларли силжиш бўлмаяпти. Бунинг энг асосий сабабларидан бири — ҳосилни йиғиб-териб олиш кампаниясининг лозим даражада уюштирилмаслигидадир. Ваҳоланки бу соҳада яхши тажриба бор. Бизнинг Олмалиқ шаҳримиз Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Хўжаликда сабзавотни йиғиштириб олиш вақти келиши билан шаҳарликларга унда кўнгилли иштирок этиш таклиф қилинади. Хизмат ҳақига йиғиб олинган ҳосилнинг бир қисми берилади. Бўш кунлари совхозда ишлаш хохишини билдираётганлар кўп. Улар уйларига турли хил сабзавотлар олиб келишмоқда. Бу тажрибани ёйиш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Бизнингча, у шундай эътиборга арзийди.

Бироқ шаҳримизга пиёз каби сабзавотни биздан анча узоқдаги Паркент районидан олиб келиш ҳамон давом этмоқда. Бизнингча, бу маҳсулотни ёнимиздаги Оҳангарон районидан келтириш фойдали бўларди. Бу масалани тезроқ ҳал қилиш лозим.

Тошкент район Совети ижроия комитетининг раиси С. Ш. Тошхўжаев яқиндагина ташкил этилган «Тошкент» агрофирмаси дуч келаётган муаммолар ҳақида тўхталди. Фирма Тошкентда ҳозирги вақтгача 14 та магазин очди, уларнинг сони 80 тага етказилади. Савдога фақат сифатли маҳсулот етказиб берилади, ностандарт маҳсулот эса шу ернинг ўзида қайта ишланади. Бунинг учун қайта ишлаш цехлари қуриш керак. Шундай иш қилинмоқда. Бироқ у яримкустар усулида амалга оширилянти. Бунинг учун ҳисобдан чиқарилган агрегатлар ва деталлардан фойдаланилмоқда. Эски асбоб-ускуналар билан цехларнинг бир маромда ишлашини таъминлаб бўлмайди, албатта. Янгиларини олган яхши. Бироқ бу масалада область агросаноат комитети бизга ёрдам бермаяпти.

Тошкентликлар янги холодильниклар қуришмоқда. Бироқ яқин вақт ичида ўз кучлари билан ўзларини лозим сиғимдаги холодильниклар билан таъминлай олмайдилар. Область ташкилотлари агрофирма ихтиёрига ишлаб турган холодильникларни ажратиб беришда ёрдам кўрсатишлари керак.

Сабзавот-полизчилик экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институти олимлари етиштирилаётган уруғларнинг сифатини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилмаяптилар. Шу сабабли экиш материалларини олиш учун бошқа областларга ва республикаларга боришга тўғри келмоқда. Бу масала ҳам ҳал қилинишини кутмоқда.

Нотиқ бошқа муаммолар ҳақида ҳам тўхталди. Жумладан, агрофирмага ихтисослашган рефрижераторлар автоколоннасини бериш лозимлигини қайд этди. Бусиз шаҳарликларни сабзавот ва мева билан таъминлашда сезиларли силжишларга эришиш мумкин эмаслигини таъкидлади.

Оржоникидзе район партия комитетининг иккинчи секретари О. Н. Пузанков ўз нутқида шундай деди:

— Бизни ҳақли танқид қилишмоқда. Ҳар гектар ердан ўртача 200 центнердан сабзавот ҳосили олиш, албатта, кам. Район хўжаликлари давлатдан 25 миллион сўм қарз бўлиб қолдилар. Биз пудратни, чек системасини фаол жорий қилмоқдамиз. Бироқ гектарлардан олинадиган даромадни кўпайтириш масаласини ҳал қила оламизми? Ҳозирги вақтда бундай ваъда бера олмаймиз. Чунки экин экадиган ерларимиз ниҳоятда чарчаган. Уларда ўсимликларнинг ўсиши учун зарур бўлган микроэлементлар деярли йўқ. Районда алмашлаб экиш бор-йўғи 26,4 процентни ташкил этмоқда. Яқин вақт ичида 1,5 минг гектар майдонни текислаш ва 1800 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 200 километр узунликдаги каналларни бетонлаштириш лозим. Бунинг учун энг кам қилиб ҳисоблаганда районга 8 миллион сўм керак, ваҳоланки шу мақсад учун ҳар йили 300—400 минг сўм ажратилмоқда. Бу аҳволни яна мушкуллаштириши мумкин. Қисқаси ерни сақлаб қолиш ишларини кенг йўлга қўйиш учун олимларнинг зудлик билан кўрсатадиган ёрдамига муҳтожмиз. Областнинг ёрдамисиз бу ишларнинг уддасидан чиқолмаймиз.

Область агросаноат комитетининг раиси, депутат Н. И. Гусаков ишлаб чиқаришдаги айрим силжишлар ҳақида гапирди. Пудрат ўз меваларини бера бошлади. Илгари камёб экинлар майдони кенгайди. Илғор хўжаликларда олинаётган ҳосил ошмоқда. Ҳар гектар ердан 400 центнердан сабзавот етиштирилмоқда. Улардан барча хўжаликлар ўрнак олишлари керак. Ҳосилнинг пастлигига турли хил баҳоналарни рўкач қилмасдан амалий ишга ўтиш даври келди.

(Давоми 2-бетда).

